

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Samarqand tumani

НОКИМИ



Ўзбекистон Республикаси
Самарканд вилояти
Самарканд тумани

ХОКИМИ

316

QAROR

2010 yil "29" mart
609-Q sonli

Samarqand tumani

Фуқаро Қаюмов Худойназарга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақлаш омборхонаси куриш учун 0,20 га ўрмон хўжалиги ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш ҳақида.

Фуқаро Қаюмов Худойназар туман ҳокимлигига ариза билан мурожаат қилиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборхонаси куриш учун 0,20 га Ўрмон хўжалиги ерлари ҳисобидаги қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ер майдони ажратишга амалий ёрдам беришин сўраган.

Юқоридагиларни, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 26 мартағи 17-сонли хulosаси, ўрмон хўжалигининг 2009 йил 22 июндаги 6-сонли қарори, фуқаро Қаюмов Худойназарнинг туман ҳокимлигига ёзган аризаси ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23-моддасига асосан,

Қарор қиласман:

1. Фуқаро Қаюмов Худойназарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборхонаси куриш учун 0,20 га (шундан: 0,20 га ўрмон хўжалиги ҳисобидаги қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган) ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2010 йил 26 мартағи 17-сонли хulosаси, ўрмон хўжалигининг 2009 йил 22 июндаги 6-сонли қарори ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш омборхонаси куришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета хужжатларини тайёрлаб, Давлат қурилиш назорат экспертизаси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси фуқаро Қаюмов Худойназарга топширилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва 2011 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б. Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Садуллаев